



«Салжукийлар Аббосийлар халифалигини Эрон, Ироқдаги Бувайхийлар, Миср ва Шомдаги Убайдийлардан (Фотимийлар) халос қилган. Улар Бувайхийлар ҳукмронлигини бутунлай тугатиб, Убайдийлар халифалигига қашатқич зарба берганлар. Салжукийлар раҳнамоси Тўғрулбей хижрий 447 йили Бувайхийларни Бағдоддаги давлатига барҳам бериб, масжидга қираверишда ёзилган саҳобалар ҳақорат қилинган сўзларни ўчиртирган».

Ислом тарихшунос олими, доктор Али Саллабий

Исломдан асло ҳавотир олманг!

Ислом тарихини яхшилаб ўрганиб чиққан одам, Ислом умматини бир қанча оғир синовларни бошидан ўтказганини кузатиш мумкин. Баъзилар бу умматни бошига мусибат тушганда, қайта тикланишига умид йўқлигини айтганлар. Халокат ёқасида турганда Исломнинг тақдири ҳам фиръавнлар, греклар ва римликлар каби тарихда шунчаки хотира бўлиб қолади деганлар.

Ана шундай огир паллада Ислон уммати устидаги чангни кокиб, гўёки Аллох уни тирилтириш учун жонсиз жасадга рух ато этганидек, яна оёкка туради. Ислон уммати ўзининг аввалги мавкеини кайтариш учунгина эмас, балки ундан ҳам юкори даражаларга эришмоқка мақсад қилади. Ислон уммати кулагандан сўнг қайта тикланиши тарихчиларни ҳам хайратга солиб келган. Бу хусусият Ер юзидаги факат битта жамиятга хос неъмат... Улуғ жамият... Ўлмас жамият... Ислон жамияти... Кахрамонимиз Тўғрулбейнинг тарихи бунга яққол мисол бўла олади. Энди эса мухтарам ўқувчимизга яна ҳам тушунарлироқ бўлиши учун улуғ турк баҳодири тарих сахнасига чиқишидан юз йил ортга кайтсак.

Бу тарих X асрда (х. IV аср) Каспий денгизининг жанубий сохилларида яшаган Абу Шужоа Бувайх исмли баликчидан бошланади. Бу баликчи Каспий денгизининг жанубий сохилида ўтроклашиб қолган эронликларнинг дайлам кабиласидан бўлган. Унинг Али, Хасан ва Аҳмад исмли уч ўғли бўлиб, учаласи ҳам дайлам халқининг машхур рахбари Макан ибн Калининг аскарларига қўшилиб, тез орада ўзларининг жасорати туфайли лашкарбошилардан бўлишга муваффақ бўладилар.

Улар қиска вақт ичида Форс ҳамда Марказий Осиёнинг кўп қисмини ўз тасарруфига ўтказадилар. Уларнинг энг кенжаси Аҳмад Форснинг жанубий қисмини ва Қирмонни эгаллаб, 937 йили (х. 326 йили) Ирокнинг чегарасига яқин жойлашган Ахвозни босиб олади. Уларнинг ўртанчиси Хасан Форс шаҳрининг шимолини, Исфохон, Хамадон ва Райни эгаллаб, 942 йили (х. 331 йили) уни ўзига пойтахт қилади. Уларнинг энг тўнғичи Али - Қараж шаҳрининг рахбари этиб тайинланади. Сўнгра ўз мамлакатига Форс шаҳрининг кўп қисмини қўшиб олиб, 943 йили (х. 322 йили) Шерозни эгаллаб, уни ўзига пойтахт қилади. Шундай қилиб дайламий баликчиси Бувайхнинг уч ўғли Қараждан Ахвозгача, Каспий денгизидан тортиб, Форс қўлтигигача чўзилган мамлакат-лар ҳукмдорларига айланади.

Айни замонда...

Мусулмонлар халифалигининг маркази Бағдодда кўзголон кўтарилади. Ҳукумат амирлар ва лашкарбошилар қўлида бўлиб, Аббосийлар халифалигининг номигина қолган эди. Сўнгра ҳукуматни қўлга олган бу амирларнинг бири халифа Муттакийлиллохни қулатиб, ўрнига ҳукуматга келади. Бу нотинчликдан фойдаланиб, Аҳмад ибн Бувайх 945 йили Бағдодга юриш қилиб, уни эгаллаб олади. Шунда янги халифа Мустакфийбиллох Аҳмад ибн Бувайхни амирул Умаро қилиб тайинлаб, унга «Муизуддавла» (Давлат қудрати), энг катта ақасига «Имомуддавла» (Давлат таянчи), ўртанчисига «Рукнуддавла» (Давлат устуни) деган фахрий унвон беради. Шундай қилиб Ирок ва Ислон халифалигининг пойтахти Бағдод Бувайхийларнинг (шиалар) қўлига тўлиги билан ўтиб кетади.

Аббосийлар халифалиги уларни Рофидийларнинг мутлақ адашган ўн икки имомга сизинган мазхабидан бўлганлигига қарамай, уларга ишониб олган эди. Бир йилдан сўнг Аҳмад ибн Бувайх халифани қулатиб, уни қамокка ташлаган ва у ўша ерда жон берган. Аҳмад ибн Бувайх халифаликни ўз қўлига олгандан сўнг Бувайхийлар халифаликни ўзлари назорат қилдилар. Лекин уларнинг замонида ҳеч қайсиси халифаликка муносиб бўлган эмас. Сўнгра уларни сунний-мусулмонларни қўра олмасликлари қучайиб, уларга қарши жирқанч хатти-харакатлар қила бошладилар. Улар халифалик марказида ҳохлаган ишларини қилар, ҳатто Бағдод масжидлари эшиқларига Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг саҳобалари Муовия ибн Абу Суфён, Абу Бакр Сиддик, Умарул Форук ва Усмон ибн Аффонни (Аллох барчаларидан рози бўлсин) ҳақоратлаган сўзларни ёзиб қўядилар. Халифа эса буларга ниҳоятда эркинлик берган эди. Аҳмад ибн

Бувайх Ашуро кунини аза тутиш ва ўзини-ўзи чопкилаш куни деб белгилаган. У куни бозорлар ёпилиб, ошпазларни овкат килиши тақиқланган. Аёлларни кўчага чиқариб, сочини ёйдириб, Хусайн ибн Али учун ёнокларини уриб йиглаб, мотам тутишларини буюрган. Бағдоддаги бу жаҳолат илк бор Ахмад ибн Бувайх томонидан уюштирилган. Бувайхийлар даври Исломга мувофик келмайдиган адолатсизликлар билан тўлиб тошган, Исломнинг кора кунларидан бири бўлган. Улар Аббосийлар халифалигини кулатиб, Бағдодни Миср ва Шимолий Африкага раҳбарлик қилаётган исмоилий-шиаларга ўтказиб беришни кўзлаганлар. Маслахатчилар Аббосийларнинг кучсиз халифалиги ўрнига, Убайдийлардан кучли бир халифани раҳбар этиб тайинлашга маслахат берганлар. Бувайхийлар даврида Аббосийлар пойтахтида аввал кузатилмаган очарчилик ҳукм сурган. Озик-овкатнинг баҳоси ошган. Одамлар ўлган жониворлар, мушуклар ва дарахт япроқларини еб кун кўрганлар. Натижада касалликлар тарқалиб, кўпчилик одамлар ҳалок бўлганлар.

XI асрнинг (х. V аср) ўрталарида Ислом халифалигининг маркази Бағдодда нотинчлик ҳукмрон суради. Бувайхийлар заифлашиб, эгаллаган жойларининг кўпчилиги кўлдан чиқиб кетган. Шу пайтда Бағдодда шиалар раҳбари Бусасирий ҳукмронлик қилар эди. У ҳукуматга хохлаган инсонини кўйиб ёқмаганини ишдан оларди. Мисрда ўз халифалигини эълон қилган Убайдийлар (Фотимийлар) билан алоқасини мустаҳкамлаган. Уларнинг максоди: Аббосийлар халифалигига бар-ҳам бериб, ҳукуматни ботиний (исмоилий) мазҳабининг тарафдорлари бўлган Убайдийлар кўлига ўтказиш эди. Убайдийлар бу борада махсус ҳуфиялар ёллаб, уларни моддий тарафдан таъминлаб турганлар. Натижада Ислом халифалиги ҳавф остида қолган. Улар Шом ва Хижозни уз тасарруфига ўтказиб, Мағрибдан Ирокнинг чегарасигача чўзилган улқасида, Исломга мувофик келмаган бузук ақидалар ҳукмронлик қиларди. Уша пайтда Византиянинг шимолидагилар саҳобалар замонида мусулмонларга олдириб қўйган ерларини қайтариб олиш тараддудида бўладилар. Византияликлар ўша пайтда ҳукуматдаги мусулмонларни саҳобалар давридан кескин фарқ қилаётгани ва уларнинг дини ҳам римликларнинг Ярмук ва Ажнадайн маъракаларида тор-мор этилганларнинг динидай эмаслигини жуда яхши билганлар. Шунинг учун улар Исломга юриш қилиш вақти келди деб ўйлашган. Ислом уммати оғир аҳволда қолиб, унга ёвуз қучлар ҳар тарафдан таҳдид солар эди! Ислом умматининг бошига мусибат тушган бир пайтда...

Аббосийлар халифаси Коим Биамриллох Ўрта Осиёдаги янги барпо этилган Ислом давлатидан мадад сўраб, нома йўллайди. Санокли кунлар ичида Ўрта Осиёдан Ислом кўшини Бағдодга келиб, мусулмонлар халифалигининг марказини 113 йил бошқарган Бувайхийлардан тозалаб кетадилар. Бу Ўрта Осиёда пайдо бўлган, тарих йўналишини ўзгартирган давлатни вужудга келиши қандай бўлган?

Баъзида Ер юзининг турли жойларида зулм ва жиноятчилик авж олган даврда, одамларни умидлари сўниб, энди ҳаммаси тамом деб ўйлаб қоладилар. Масала Ислом уммати ҳусусида кетаркан, унинг ортида ажиб ишлар ётади. Ваҳоланки, у бизга аён эмас. Душманлар бир ерда Исломни бутунлай йўқ қилиш пайида бўлса, Аллоҳ таоло уни бошқа жойда янги Исломий қучни яратиб қўяди. У қиска муддат ичида атрофидаги ёвуз қучларни бартараф қилади. Бу қучни шаклланиши кўп ҳолларда узок ҳамда қутилмаганда амалга ошади. Бу эса Ҳаким ва Эшитгувчи Аллоҳдан бошқа ҳеч қимга аён эмас. Шунингдек, шавкатли салжукийларнинг қудратли давлатини вужудга келиши бунга яққол мисол бўла олади.

Бувайхийлар Ислом маркази Бағдодда нотинчликлар солиб, бузукликлар қилаётган бир

пайтда Ўрта Осиё, Орол ва Каспий денгизлари ўртасида хозирги Козогистон мамлакатининг жанубида Салжук ибн Дўкак исмли турк баходир пайдо бўлади. У турк ўғузларининг асосий 23 қабиласидан бири бўлган киник уругига мансуб эди. Унинг Микоил, Исроил, Мусо ва Юнус деган фарзандларининг исмларига қараганда, у яхудийлар динига эътикод қилган одам эканлиги маълум бўлади. Баъзи тарихий манбаларда маълум бўлишича, Салжукнинг ҳарбий маҳорати яхудийлик динига эътикод қилган ҳазар-турклар аскарларидан бошланган. Яна баъзи маълумотларга қараганда, у шарқдаги несториан-христианларга мансуб бўлган.

Салжук ибн Дўкак «ябғу» деб аталган турк ҳоконлигида хизмат қилган. У абжирлиги ва мардлиги туфайли тез орада лашкарбоши бўлишга эришади. Лекин ҳокон (ябғу) аскарлари орасида Салжукнинг нуфузи тез ўсиб бораётганини пайкаб, уни йўқ қилишни қасд қилади. Аллохнинг инояти билан Салжук ҳоконни бу режасидан хабар топиб, у ердан кетиб, Туркистонга боради. Туркистон аҳли мусулмон баҳодирларидан бири Қутайба ибн Муслим замонидан бери Ислом динига эътикод қилишар эди. Салжук мусулмонлар билан яқиндан муомала қилиб, уларнинг гўзал феъл-атворини кузатгандан сўнг, 985 йили (х. 374 й.) Ислом динини қабул қилади. У иймоннинг ҳаловатини тотгандан сўнг Осиёдаги ой ва қуёшга сизинган динсиз туркларни ҳам Исломга даъват этишга бел боғлайди. Лекин уларнинг ҳукмдорлари ўз мансабларидан айрилиб қолишларидан қўрқиб, Исломни ўз халқига етказишдан бош тортадилар. Бу бутпарастлар ҳам Салжукни қатл қилишга қарор қиладилар. Шунда бу туркий баҳодир ўз қабиласидан йигилган аскарлар билан қарши чиққан подшоларга қарамай, Ислом динини етказиш учун ҳарбий юриш бошлаб, бирин-кетин мағлуб эта бошлайди. Исломнинг ҳақиқатини тушунган туркийлар Ислом динини қабул қилишиб, Салжук аскарига қўшиладилар. Салжук тез орада катта ва қудратли қўшин тузиб, Ислом динини Осиёга кенг тарқалишига муваффақ бўлади. 1000 йилга (х. 390 й.) қелиб, Салжук ибн Дўкакнинг набираси томонидан бир неча йилдан кейин барпо этиладиган янги туркий давлатнинг ўзаги вужудга келади.

Салжук ибн Дўкак оламдан ўтгандан сўнг фарзандлари унинг йўлини давом эттирадилар. Ҳукуматни ўғли Исроил ўз қўлига олади. Унинг акаси Микоил бутпарастлар билан бўлган бир жангда вафот этади. Ҳукуматга раҳбарлик қилган Исроил ҳам вафот этгандан сўнг Салжукнинг фарзандлари ва набиралари кенгашишиб, ораларидан Микоилнинг ўғли бўлган, бир ёш йигитни бошлик этиб сайлашади. У йигит ёш чоғида бобоси Салжук билан қўп юрар, ундан Исломга ва Аллох йўлида қурашишга бўлган тиришқокликни ўрганган эди. Бу йигитнинг исми - Тўғрулбей. Ундан катта Чағрибей деган акаси бўлса ҳам, салжуклар уни оқил идрок соҳиби эканлиги ва бу масъулиятли мансабга Тўғрулбей муносиброк эканини таъкидлайдилар. Ислом тарихшуноси доктор Али Саллабий «Даулатус-Салажика» асарида уни қуйидагича тавсифлаган:

«Тўғрулбей қучли, ақлли, жасур, диндор, тақволи ва адолатли бўлган. Уни халқи қўллаб-қувватлаб, унга катта ишонч билдирди. Сўнгра у қучли бир қўшин тузиб, салжук-туркийларини қучли бир давлат остига бирлаштиришга ҳаракат қилган».

Ар-Равондий «Тариху давлатус-Салжукийя» асарида шундай дейди:

«Мен Тўғрулбейни укасига бир қамон ўқини бериб: «Синдириб қўрчи», - деб айтганини эшитган эдим. Укаси ёйни олиб, осонлик билан синдириб ташлайди. Ундан сўнг ёйдан иккитани бераркан, уни ҳам осонлик билан синдиради. Сўнг учта берганда, бироз қийинчилик билан синдиради. Уқлар сони тўрттага етганда қучи етмай қолади. Шунда Тўғрулбей айтади: «Биз ҳам шу ёйлар қаби тарқок бўлган ҳолимизда озчилик одамлар

хам осонгина синдира олади. Агар бир тану бир жон бўлсак, бизни ҳеч ким енга олмайди».

Тўғрулбей ҳукуматга келиши билан бутпарастлар ва Форс шахри-даги Бувайхийларга қарши юриш қилади. У Ўрта Осиё ва Форснинг кўп ҳудудларини эгаллаб, ўз давлатини кенгайтира бошлайди. У Журжон, Табаристон, Хоразм, Табас, ва Рай шаҳарларини ўз тасарруфига ўтказди. Сўнгра Хамадон, Озарбайжон, Догистон ҳамда Гарбий Эронни ўзига қаратиб, ундан сўнг ҳозирги туркларга қарашли Онадўлини (Анатолия) эгаллайди (ярим ой ва юлдузсимон кизил байрокни биринчи Тўғрулбей кўтариб, кейин уни усмонийлар байроғи қатори ҳисобланиб, ундан кейин ҳозирги Туркиянинг давлат байроғи бўлган деган маълумотлар бор). Бағдоддаги Аббосийлар халифаси рисоладагидек ҳукмронлик қила олмаса ҳам, Салжукийлар унга ҳурмат билан муомала қилганлар. У Бағдоддаги халифа Коим Биамриллохга совгага кўшиб, уни мусулмонларнинг халифаси сифатида ҳурмат қилишлигини билдирган нома йўллайди. Халифа Салжукийлар давлати ва Тўғрулбейдан миннатдор эканлигини айтиб, мактуб жўнатади. Бу туркий баҳодир Осиёнинг марказидан Ирокнинг чегарасигача чўзилган қудратли давлатни султони бўлади. Доктор Али Саллабий Салжукийларни шу пайтдаги давлатини қуйидагича таърифлайди:

«Салжукийлар 1058 йили (х. 447 й.) Газнавийлар ва Бувайхийларни енгиб кенг қулоқ ёйгандан сўнг Ислом оламининг асосий қучига айланади. Улар византияликлар ерларига қириб, ҳатто уларни урушга қорлаганлар. Аббосийлар ҳукуматида Аллох йўлида қурашишни истамаган Бувайхийлар ҳукмронлик қилаётган пайтда ўзлари хоҳласалар-у, лекин қудрати етмайдиган халифалик ерларига қириб, нотинчлик со-лаётган византияликларга қарши юриш қила бошлайди. Бу ҳаракати билан улар халқнинг эътиборига сазовор бўладилар. Чунки одамлар римликларни такаббурлигига гувоҳ бўлгандан сўнг уларга қарши собит туришларини айтар эдилар».

Бу пайтда Аббосийлар халифалиги қулаш арафасида турган эди. Чунки шиа Бусасирий Бағдод ҳукуматини босиб олиш учун Мисрдаги Убайдийлар билан махфий алоқа қилиб турган эди. Шунда Аббосийлар халифалиги Коим Биамриллох мусулмонлар ва Ислом халифалигини қутқариб қолиш учун мактуб йўллайди. Улуғ баҳодир Салжукнинг набираси Тўғрулбей кўшини билан ўн йиллардан бери сунний-мусулмонларни сабабсиз қамаб, аёвсиз азоблаб қелаётган Бувайхийларнинг бузуклигидан тозалаш учун ғалаба оғи бўлган Рамазон ойида Бағдодга қараб юриш қилади. У 1055 йили 23 декабрда (х. 447 й. Рамазон) Бағдодга қириб, Бувайхийларни 113 йиллик ҳукмронлигига барҳам беради. Тўғрулбей ўзини Аббосийлар халифалигининг қосбони ҳамда Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг суннатларини ёрдамчиси деб эълон қилган. Сўнгра у шиа вазири ҳоин Бусасирийни ушлаб, қилган жиноятлари қош бўлгандан сўнг уни қатл эттирган. Салжукнинг набираси Тўғрулбей Аббосийлар халифалигини қулашидан сақлаб, халифа Коим Биамриллохнинг нуфузини қайтариб берган. Халифа уни султон этиб тайинлаб, унга Рукниддин (Дин устуни) деган фахрий унвон берган. Шунингдек, халифа султон Тўғрулбей номидан танга чиқариб, Бағдод ва бошқа шаҳарлар масжидларида унинг номи хутбага кўшиб айтилишига фармон беради. Тўғрулбей ўша пайтда халифаликка қарашли барча ҳудудларни золим Бувайхийлардан тозалаб, Аллохнинг шарияти ва Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг суннатини кенг тарғиб қилган. У Бағдод масжиди эшикларидаги саҳобаларни ҳақоратлаган ёзувларни ўчиртирган. Сўнгра у Ирокнинг барча қисмида адолат ва ҳа-қикий Исломни ўрнатган. Мусулмонлар Тўғрулбейни жуда ҳам эъзозлар эдилар. Одамлар Исломнинг асл

хакикатларини кўришиб, тўда-тўда бўлиб, Исломни қабул килар эдилар. Султон Тўғрулбей Ислом халифалигининг ишлари билан деярли 8 йилга яқин машгул бўлган. Тўғрулбей Аббосийлар халифалигининг хакикий раҳнамоси эди. У 1062 йили (х. 455 й.) Рамазон ойининг саккизинчисиди 70 ёшида оламдан ўтган. У умрини Аллохнинг дини ва Пайгамбар алайҳиссаломнинг суннатиға сарфлади. Орқасидан Урта Осиёдан Шом ўлкаларигача чўзилган Салжукийлар давлатини қолдириб кетган. Шарқ ва ғарбдаги мусулмонлар ундан жудо бўлганликлари учун қайғуриб, унга мағфират ва раҳмат ти-лаб дуо қилганлар. Оталар ўз фарзандларига Аллохнинг мадади билан Ислом умматининг нуфузини тиклаган, бу салжукий баҳодирнинг тарихини ҳикоя қилиб берар эдилар. Тарихчи доктор Саллабий «Даулатус-Салажика» асарида уни қуйидагича тавсифлаган: «Подшоҳ Тўғрулбей ақлли, юмшққ табиатли, сабрли, сирни қатъий сакловчи, намозни қанда қилмаган ҳамда душанба ва пайшанба қун-лари рўза тутувчи эди. У доим оқ рангда қийим қияр эди. У 70 ёшида вафот этган. Унинг орқасида фарзанд қолмаган. У халифа Қоим даврида 7 йил 11 ой хизмат қилган. Тўғрулбей қўп садақа берар, масжидлар қураар, қўп ибодат қилар ҳамда Аллох йўлида қурашишға қақираар эди. У шундай дер эди: «Мен уй қуриб, унинг ёниға масжид қурмасликдан Аллохдан уяламам».

Салжукийлар ҳуқмронлигини Тўғрулбейдан кейин ўз қўлиға олган ёш йигит қим бўлган? Манцикерт маърақасининг тарихи қандай бўлган?

Бу салжук баҳодири тарихда учинчи бор ҳавфли «қисқич» усулини қандай қилиб қўллаган?

Мусулмонлар қандай қилиб тарихда илк бор Византия империясининг императорини асир оладилар?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюқ шахси" қитобидан